

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БАБАХАНОВА НАРГИЗА НУСРАТУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКИР ЛИМФОБЛАСТ ЛЕЙКОЗЛАР БИЛАН
КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИ
БУЗИЛИШИНING МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК МЕХАНИЗМИ ВА
ТРОМБОГЕМОМОРРАГИК АСОРАТЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бабаханова Наргиза Нусратуллаевна

Ўзбекистонда ўткир лимфобласт лейкозлар билан касалланган болаларда гемостаз тизими бузилишининг молекуляр-биологик механизми ва тромбогеморрагик асоратларини прогнозлаш..... 3

Бабаханова Наргиза Нусратуллаевна

Молекулярно-биологические механизмы нарушений системы гемостаза и прогнозирование тромбогеморрагических осложнений у детей с острым лимфобластным лейкозом..... 23

Babakhanova Nargiza Nusratullaевна

Molecular biological mechanisms of hemostatic system disorders and prediction of thrombohemorrhagic complications in children with acute lymphoblastic leukemia..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БАБАХАНОВА НАРГИЗА НУСРАТУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКИР ЛИМФОБЛАСТ ЛЕЙКОЗЛАР БИЛАН
КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИ
БУЗИЛИШИНING МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК МЕХАНИЗМИ ВА
ТРОМБОГЕМОМОРРАГИК АСОРАТЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Tib729 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Каримов Хамид Якубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маткаримова Дилфуза Сабуровна
тиббиёт фанлари доктори

Мухамедов Рустам Султонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ кунни тарқатилди.

(2021 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ш.А. Бабаджанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда охириги ўн йилликда ўткир лейкозларнинг давоси бўйича эришилган улкан ютуқлар, ўткир лимфобласт лейкоз (ЎЛЛ) билан биринчи мартаба хасталанган 70-95% болаларда, хасталикни қайталанишсиз яшовчанлик давомийлигини узайиши ҳисобига, касаллик оқибатини тубдан ўзгаришига имкон яратди. Шу билан бирга, ЎЛЛ муаммоси, қўшимча терапевтик воситалар ва поликимётерапиянинг (ПКТ) жадаллигини пасайтиришни ёки уни бекор қилишни талаб этувчи хар хил асоратлар ривожланиши оқибатида, даво натижаларини юқори фоизларда қоникарсизлиги, ниҳоятда оғриқли бўлиб қолмоқда. «...болаларда учровчи ЎЛЛ асоратларидан бири, гемостаз тизимни коагуляцион ёки антикоагуляцион фаоллигини ошишига олиб келувчи механизмларининг мувозанатини бузилиши оқибатида юзага келадиган қон кетишлар ёки тромбозлар бўлиб ҳисобланади...»¹. Болалардаги ЎЛЛда неопластик жараён каби, лейкозга қарши терапия натижасида келиб чиққан қон ивишининг бузилиш механизмлари, бугунги кунга қадар бахслашиш ва изланиш предмети бўлиб келмоқда.

Жахонда, болалардаги лейкозларнинг ўткир шакли билан кечувчи касалликлар натижасида келиб чикувчи тромбогеморрагик асоратларни олдиндан аниқлаш ва гемостаз тизимининг бузилиш механизмларини молекуляр-биологик баҳоси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, улар қоннинг клиник таҳлилидаги ўзгаришлар ва гемостаз тизими плазма омиллари фаоллиги, шунингдек болалардаги ўткир лимфобласт лейкозларнинг турли шаклланиш йўллари орқали келиб чиққан тромбогеморрагик асоратлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга; болалардаги ЎЛЛда индукцион поликимётерапия ўтказилгандан кейин, томир-тромбоцитар ва коагуляцион, шунингдек фибринолитик гемостаз тизимининг ҳолатини баҳолашга йўналтирилган. Бундан ташқари, ўткир лимфобласт лейкоз билан касалланган болаларда, гемостаз тизими бузилишларининг касалликнинг клиник кўринишлари билан ва клиник кўринишларсиз MTHFR, MTRR, MTR, PAI-1 полиморф ген-номзодларини учраш даражасини белгилаш, шунингдек гемостаз тизими бузилишларини ривожланишига MTHFR, MTRR, MTR ва PAI-1 молекуляр-генетик маркерларининг таъсирини баҳолаш ва тромбогеморрагик асоратларни эрта аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Юртимизда халқаро стандарт талабларига мос равишда, тиббиёт соҳасининг, турли хил соматик касалликлар ташхисоти, олдини олиш ва даволаш усулларининг ривожланиши учун, «...мамлакатимизда тиббий ёрдамни самарадорлигини, сифатини ва ҳаммабплигини ошириш, шунингдек патронаж хизмати ва диспансеризацияни самарали моделларини ишлаб чиқиш йўли орқали, касалликларнинг ташхисоти, давоси, олдини олишнинг юқори технологик усулларини тадбиқ қилиш ва соғлом турмуш

¹ Jin M.W., Xu S.M., An Q., Wang P. A review of risk factors for childhood leukemia // Eur Rev Med Pharmacol Sci. – 2016 Sep. –20(18). –P.3760-3764.

тарзини кўллаб – қувватлаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий асбоб-ускуналарни, техника ва технологияларни кўллашни такомиллаштириш натижасида, болаларга тиббий ёрдам сифатини, самарадорлиги ва ҳаммабплигини оширишга қаратилган юқори технологик ташхисот ва даво усуллари тadbиқ қилиш, ўткир лимфобласт лейкоз билан хасталанган болаларда тромбогеморрагик асоратларнинг ривожланиш хавфини пасайишига, шу билан бирга касаллик натижасида юзага келувчи ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайитиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985 «Шошилинич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5590–сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866 – сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкологик ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш ва онкологик хизматни келажакдаги ривожини бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тadbқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тadbқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тadbқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болалардаги ўЛЛ натижасида келиб чиқувчи тромбогеморрагик асоратларнинг ривожланиш механизмларини ўрганишга қаратилган тadbқиқотлар, дунё мамлакатларининг бир қанча йирик илмий – текшириш марказларининг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади (E.M.Kałużna, E. Strauss, B. Świątek-Kościelna, et al., 2017; M.A.Karalexі, N.Dessypris, T.P.Thomopoulos et al., 2017). Ҳамонки, лейкознинг тромбогеморрагик асоратлари терапия самарадорлигини пасайтириб ўлим ҳолатларини ошириб берар экан, гемостаз тизимининг бузилишларини ўткир лейкозларни даволашдан олдин ва программали поликимётерапия ўтказилганда ҳам ўрганиш, шунингдек юқори маълумот берувчи усуллар ёрдамида ушбу асоратларни эрта ташхислаш усулларни ишлаб чиқиш ҳамон долзарблигича қолмоқда (J.Lukes, E.Potuckova, L.Sramkova et al., 2018; G.Marcucci, 2014).

² Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 7 декабрдаги № ПФ 5590 «Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг комплекс чора тadbбирлари тўғрисида» ги фармони.

Бироқ, ҳозирги вақтда, болалардаги ЎЛЛ кечиши ва терапияси билан асосланган, гемостаз тизими бузилишларидаги тромбогеморрагик ҳолатларни назорат қилиш стратегияси ва олдиндан аниқлаш бўйича далилий тавсияномалар мавжуд эмас. Қоннинг ивиш ва фибринолитик тизими функцияларининг бузилиши, клиник маълумотлар ва лаборатор таҳлиллар асосида аниқланади, аммо шу билан бирга айтиб ўтиш муҳимки, гемостаз тизимининг кўпгина компонентлари лабил ҳисобланиб, уларнинг кўрсаткичига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади (J.S.Pei, C.M.Hsu, C.W.Tsai, et al., 2015). Болалардаги ЎЛ натижасида юзага келган гемостаз бузилишининг алоҳида мезонлари тромбогеморрагик асоратларнинг корреляциясига қарамасдан, қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими ҳолатига комплекс баҳо бериш, ҳамда асоратлар ривожланиш хавфининг даражасини аниқлашга имкон бермайди.

Болалардаги ўткир лимфобласт лейкозлар оқибатида юзага келган гемостаз тизими бузилишларининг ишончли мезонларини топиш, тромбогеморрагик асоратлар ривожланиш хавфини олдиндан аниқлаш гуруҳига мос равишда беморларни саралаш учун зарур бўлиб ҳисобланади. Бу борада, охириги йилларда олиб борилган тадқиқот ишлари, ЎЛ лейкозларда ушбу асоратларни шаклланишида бир қанча генлар полиморфизмларининг ўрни бир мунча муҳимлигини исботлайди (A.E.Raetz, T.Bhatla, 2012; M.Ruan, L.Zhang, C.Han et al., 2014; J.Schüz, F.Erdmann, 2016). Шу билан бирга, ЎЛЛда гемостаз тизими бузилишлари ривожланишида молекуляр-генетик механизмларини ўрганиш бўйича мавжуд тадқиқотлар натижалари бир хилда эмас. Шуларни инобатга олган ҳолда, болаларда ЎЛЛ натижасида юзага келган гемостаз тизими бузилишларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар, шунингдек тромбогеморрагик асоратларни клиник намоён бўлмасдан олдин, хавф даражасини баҳолаш имконини берувчи маркерларни топиш ўта зарур ва долзарбдир.

Ўзбекистон Республикасига юқори инновацион технологияларни тадбиқ қилиш, бугунги кунда, олдиндан аниқлашда янги юқори самарали усулларни ишлаб чиқиш йўли орқали, болаларда ЎЛЛдаги тромбогеморрагик асоратларнинг ривожланишида молекуляр-генетик механизмларини очиб берилиши каби жихатларини муваффақиятли ечилишига имкон беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иши Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий гематология тиббиёт маркази олиб борган илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, №ПЗ-20170928301 «Разработка новых молекулярно-биологических способов ранней диагностики, мониторинга лечения и прогнозирования формирования резистентных форм лимфоидных клонально-пролиферативных заболеваний» грант лойихаси доирасида бажарилган (2015-2018 йй).

Тадқиқотнинг мақсади ўткир лимфобласт лейкоз билан касалланган болаларда, гемостаз тизимининг турли хил бўғинидаги бузилиш

механизмларидаги молекуляр-биологик омилларнинг ўрнини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шаклланиши турли йўналишли ўткир лимфобласт лейкоз билан касалланган болаларда, тромбогеморрагик асоратлар, шунингдек гемостаз тизими омилларининг плазмавий даражаси ва фаоллигининг, гемограмма ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

ўткир лимфобласт лейкоз билан оғриган болаларда касалликнинг яққол клиник кўринишлар намоён бўлган илк даврида ва индукцион поликимётерапия ўтказилгандан кейин, томир-тромбоцитар ва коагуляцион, шунингдек фибринолитик гемостаз тизимининг ҳолатини баҳолаш;

ўткир лимфобласт лейкоз билан касалланган болаларда, гемостаз тизими бузилишларининг касалликнинг клиник кўринишлари билан ва клиник кўринишларсиз MTHFR, MTRR, MTR, PAI-1 полиморф ген-номзодларини учраш даражасини белгилаш;

ўткир лимфобласт лейкоз билан хасталанган болаларда гемостаз тизими бузилишларини ривожланишига MTHFR, MTRR, MTR ва PAI-1 молекуляр-генетик маркерларининг таъсирини баҳолаш ва тромбогеморрагик асоратларни эрта аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий гематология тиббиёт марказига мурожаат қилиб текширувлардан ўтган ва даволанган 88 нафар, ЎЛЛ билан касалланган болалар (асосий гуруҳ), 61 нафар, ёши, гемобластознинг клиник белгилари кузатилмаган шартли соғлом шахслар (назорат гуруҳи) танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ЎЛЛ билан касалланган болалар ва шартли соғлом шахслардан олинган, гемограмма, гемостаз тизими, MTHFR (rs1801133), MTRR (rs1801394), MTR (rs1805087), PAI-1 (rs1799768) полиморфизм генларининг детекцияси учун веноз қон олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда: клиник; морфолгик; гемостазиологик- фаоллаштирилган парциал тромбопластин вақти индекси; D-димерлар; C протеиннинг фаоллиги; III антитромбин фаоллиги; молекуляр-генетик (сифатий ПЗР) текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан ташкил топган:

ўткир лимфобласт лейкоз билан хасталанган болаларда, тромбогеморрагик асоратларни ривожланишига олиб келувчи гемостаз тизимининг геморагик синдром, қон кетишлар каби бузилишлари аниқланган;

геморрагик синдром ва турли оғирлик даражасидаги тромбоцитопения билан асоратланган ўткир лимфобласт лейкоз билан касалланган болаларга хос бўлган гемограмма ва гемостазиограмма кўрсаткичлари баҳоланган;

илк маротаба турли яққолликдаги клиник кўринишли, гемостаз тизими бузилишлари мавжуд бўлган ЎЛЛ билан хасталанган болаларда MTHFR(rs1801133), MTRR(rs1801394), MTR(rs1805087) ва PAI-1(rs1799768) полиморф генларининг генотипик вариантлари ва аллелларининг клиник ривожланиш хавфи юқорилиги даражаси исботланган.

тромбогеморрагик асоратлар ривожланишида молекуляр генетик маркерларининг: MTHFR + MTRR, MTHFR + PAI-1, MTHFR+MTRR+PAI-1 таъсири баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЎЛЛ билан касалланган болаларда тромбогеморрагик асоратларни ривожланиш хавфини баҳолаш имконини берувчи мезонлар аниқланган;

беморнинг клиник-морфологик ва цитогенетик таҳлилларининг натижалари асосида ЎЛЛ билан оғриган болаларнинг ташхисот текширув алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширув олиб борилган беморлар ва шартли соғлом шахслар сонининг етарлилиги, ўтказилган клиник, гемостазиологик, молекуляр-генетик ва статистик текширув усулларининг тўлиқ асосланганлиги, олинган барча рақамли маълумотларни статистик ишлов берилишида компьютер технология усулларидан тўғри танлаб фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, шунингдек олинган натижаларнинг хулосаларини юқори тизим вакиллари томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалар онкогематология соҳасида, ЎЛЛ билан хасталанган болаларда тромбогеморрагик асоратларнинг ривожланиш хавфини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга бўлган талаб юқорилиги молекуляр-генетик маркерларини аниқлаш йўли билан амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўткир лейкоз билан хасталанган бемор болаларда, тромбогеморрагик асоратларнинг ривожланиш хавфини, то уларнинг клиник манифестациясига қадар баҳолашга имкон бериб. болаларда ўткир лимфобласт лейкоз асоратларининг, гемостаз тизими бузилишлари билан боғлиқ аниқланган эрта ташхислаш мезонларини қўлланилиши, беморларнинг яшовчанлиги ва ҳаёт сифатин яхшилашга, шу қаторда даво самарадорлигини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЎЛЛ билан оғриган болаларда тромбогеморрагик асоратларни ривожланиш хавфи мезонларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўткир лейкоз билан хасталанган болаларда тромбогеморрагик асоратлари хавфини прогнозлаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 8н-д/126-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ўткир лейкоз билан касалланган болаларда тромбогеморрагик асоратлар юзага келиш хавфини баҳолашда гематологик, гемостазиологик ва молекуляр-генетик мезонлар ҳисобланган маркерларни аниқлаш имконини берган.

ЎЛЛ билан хасталанган болаларда тромбогеморрагик асоратлар хавфини баҳолаш бўйича бўйича олинган илмий натижалар, тиббиёт

амалиётига, жумладан Тошкент шаҳрининг 3-болалар клиник шифохонаси, Хоразм вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 8н-з/13–сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ қилиниши, ўткир лейкоз билан хасталанган болаларда тромбогеморрагик асоратларни ривожланиш хавфини олдиндан аниқлаш ва эрта ташхис қўйиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертацион ишнинг долзарблиги ва зарурлиги билан асосланади, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг муҳим йўналишлари тадқиқотларига мос келиши кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Болаларда ўткир лимфобласт лейкоз ва унинг гемостаз тизими бузилишларига боғлиқ асоратлари (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида, муаммонинг замонавий ҳолатини очиб берувчи маълумотлар келтирилган. Хусусан, касаллик маълум бўлган клиник-морфологик, гемостазиологик, молекуляр-генетик патогенетик механизмлари ва унинг асоратлари тўлиқ ёритиб берилган. Шунингдек, ўткир лимфобласт лейкоз билан хасталанган болаларда тромбогеморрагик асоратларни юзага келиши ва ривожланиши билан боғлиқ генетик маркёрларнинг тузилиши, жойлашиши ва вазифалари ҳам кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот объектлари ва усуллари ҳақида тавсиф ёритиб берилган. Тадқиқот ишига 2014 – 2018 йиллар мобайнида РИИАГТМнинг болалар бўлимида текширувлардан ўтган ва даволанган бемор болалар киритилган. Тадқиқот учун 88 нафар, 6 ойликдан то 13 ёшгача бўлган (63,3% - ўғил болалар ва 36,4% - қиз болалар) ЎЛЛ (пре-В-ЎЛЛ, n=12; В-ЎЛЛ, n=66 ва Т-ЎЛЛ, n=10) билан касалланган болалар танлаб олинган.

Ташхис, беморнинг анамнезини, шикоятларини (ёки ота-онасининг сўзидан), врач-гематолог кўриги натижаларини, мунтазам ўтказиладиган лаборатор текширув маълумотларини (умумий қон таҳлили, миелограмма, гемостазиограмма, суяк кўмигининг цитокимёвий таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили), шунингдек юқори технологик усулларда амалга оширилган лаборатор текширув маълумотларини (иммуноцитофлюориметрия, стандарт ва/ёки FISH усуллари қўлланилган цитогенетик таҳлил, болалар ёшидаги ўткир лейкоз болалар ёшидаги ўткир лейкоз маркерларини аниқлаш билан олиб бориладиган молекуляр-генетик текширувлар) қамраб олган натижалар асосида қўйилган. ЎЛЛ билан хасталанган болаларда текширувлар ПКТ ўтказилишидан олдин ва ундан кейин амалга оширилган.

ЎЛЛ клиник кечишини баҳолаш асосида, клиник кўриниши (турли оғирлик даражасида) намоён бўлган беморлар ва гемостаз тизими бузилишлари мавжуд клиник кўринишсиз гуруҳчаларга ажратилган:

- А гуруҳча: геморрагик синдромли ЎЛЛ билан касалланган беморлар (ГС) (n=31);

- Б гуруҳча: геморрагик синдромсиз ЎЛЛ билан касалланган беморлар (n=57);

- В гуруҳча: енгил ва ўрта даражали тромбоцитопенияли (ТП) ЎЛЛ билан касалланган беморлар (n=28);

- Г гуруҳча: оғир даражали тромбоцитопенияли (ТП) ЎЛЛ билан касалланган беморлар (n=60).


MTHFR(rs1801133), MTRR(rs1801394), MTR(rs1805087), PAI-1(rs1799768) номзод-генларининг полиморф вариантлари популяцион учраш даражасини баҳолаш, ЎЛЛ билан танлаб олинган хаста болалар (n=63) ва шартли соғлом болалар (назорат гуруҳи, n=61), шунингдек ЎЛЛ билан хасталанган болалар гемостаз тизими бузилишлари билан ва тизим бузилишларисиз А (n=31) , Б (n=57), шунингдек В (n=28) ва Г (n=60) гуруҳчаларни ўзаро таққослаш орқали бажарилган.

Гемостазнинг фаоллашиш кўрсаткичларини (фаоллашган парциал тромбопластин вақти (АПТВ), протромбин индекси (ПТИ), антитромбин III (АТ III), фибриноген, эрувчан фибринмономер комплекси (ЭФМК), тромбин вақти (ТВ), XIIф - боғлиқ фибринолиз (XIIa-3ЭЛ), С протеин, Д-димер) «НПО РЕНАМ, Россия» реактивларини қўллаган ҳолда, «HumaClot Junior» (НС-4127, Германия) коагулометри орқали баҳоланган. MTGFR генининг rs1801133 (C677T), MTRR генининг rs1801394 (A66G), (A2756G) генининг rs1805087 MTR генининг rs1799768 PAI-1 (-675 5G/4G) генларининг полиморф вариантлари детекцияси, «SNP-экспресс-SHOT» реал вақтда - CG-1-96 «CorbettResearch» (Австралия) ва 2720 «AppliedBiosystems» (АҚШ) дастурланган термоциклерларда, «Литех» (Россия) ишлаб чиқарган қўлланмага мувофиқ тест-системасини қўллаган ҳолда амалга оширилган. Олинган натижаларга статистик ишлов беришда «OpenEpi 2009, Version 2.3» статистика дастури пакети қўлланилган, бунда статистик аҳамиятга эга гуруҳлар орасидаги фарқ $p < 0,05$ белгиси билан кўрсатилган. Для статистическая обработки полученных результатов использовался пакет

статистических программ «OpenEpi 2009, Version 2.3», при этом различия между группами статистически значимыми принимались при значении $p < 0,05$.

Диссертациянинг «Ўткир лимфобласт лейкоз билан касалланган болаларда асосий касалликнинг клиник-лаборатор хусусиятлари ва асоратлари» деб номланган учинчи бобида беморларнинг клиник-биологик тавсифи баён этилган, индукцион поликимётерапия ўтказилишидан олдин ва кейин болалардаги ЎЛЛда гемостаз тизими ҳолатини баҳолаш келтирилган. Шунингдек, ушбу бобда ўткир лимфобласт лейкоз аниқланган болаларда қон кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ҳамда тромбоцитопенияни намоён бўлиши ўртасидаги сабаб-оқибат алоқалари ўрнатилган.


Тадқиқот ишига дастлаб 6 ойликдан 13 ёшгача бўлган 88 нафар бемор болалар танлаб олинган. Уларни ёш бўйича тақсимланиши 1 - расмда келтирилган. Кузатувга олинган 1 ёшгача бўлганлар 3 (3,64%), бир ёшдан 5 ёшгача – 57 (65,45%), 6 ёшдан 10 ёшгача – 19 (21,82%) ва 10 ёшдан катта бўлган болалар улуши эса – 9 (9,10%) ни ташкил этган.



1-расм. Тадқиқотга олинган ўткир лимфобласт лейкоз билан оғриган беморларни ёш бўйича тақсимланиши (n=88).

Геморрагик белгилар 30 (34,3%) нафар беморларда қайд этилган. Бунда қон ивиши бузилишининг алоҳида белгилари турли сонда, жумладан тери ости ёғ тўқимасида қон тўпланиши (кўкариб қолишлар) – 22 (25,45%), гематомалар – 9 (9,10%), петехиялар – 6 (7,27%) қон кетиши (бурундан, милклардан, инъекция қилинган жойлардан) – 13 (14,54%) ҳолатларда аниқланган. Геморрагик белгиларнинг бир нечтасини бир вақтда учраши 10 (10,91%) нафар беморда қайд этилган, бундан ташқари, қон ивиши бузилишининг клиник белгилари мавжудлиги асосида беморлар алоҳида кичик гуруҳларга ажратилди: I даражали геморрагик синдром мавжуд бўлган беморлар (кучсиз намоён бўлган ГС- қўл-оёқ, тана терисида, шунингдек инъекция қилинган жойлар ўрнида яқка ҳолда учрайдиган петехиялар) – 21 (23,8%) ва II даражали геморрагик синдром аниқланган беморлар (ГСни ўртача намоён бўлиши – қўл-оёқ, тана терисида, шунингдек инъекция қилинган жойлар ўрнида яқка ҳолда учрайдиган петехиялар, юзда гематомалар, милклардан қон кетиши, инъекция қилинган жойлардан қон

кетиши) – 10 (11,3%). Қон ивиши бузилишини клиник белгилари мавжуд бўлмаган геморрагик синдромсиз беморлар (ГСсиз) каби кичик гуруҳга ажратилди, улар – 57 (64,9%) ташкил этди.



2-расм. Тадқиқотга олинган ўткир лимфобласт лейкоз билан оғриган беморларни клиник белгилар бўйича тақсимланиши

Изоҳ: ГС – геморрагик синдром; ТП – тромбоцитопения;

Лаборатор текширувлар оғир даражали тромбоцитопенияли (ТП) - 69 (78,5±5,7%), энгил ва ўртача оғирлик даражали ТПли - 12 (13,6±4,7%) ўЛЛ билан хасталанган болалар, шунингдек ТПсиз - 7 (7,9±3,7%) бемор болаларнинг сонини белгилашга имкон берган (2-расмга қаранг).

1-жадвал

Даволашдан олдин ва касалликни клиник намоён бўлиши чўққисида ҳамда ундан сўнг ўткир лимфолейкозли бемор болаларда қоннинг морфологик кўрсаткичлари

Қон кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи	ЎЛЛ беморлар ПКТ олдин (n=88)	ЎЛЛ беморлар ПКТ кейин (n=88)	ишончлилиги
Гемоглобин (г/л)	110,0±13,5	74,11±2,69	104,0±4,74	t=5,48; p<0,05
Эритроцитлар (·10 ¹² /л)	4,2±0,3	2,88±0,08	3,67±0,14	t=4,94; p<0,05
Тромбоцитлар (·10 ⁹ /л)	220±24	31,60±5,64	191,82±10,54	t=13,4; p<0,05
Умумий лейкоцитлар (·10 ⁹ /л)	4,0±1,2	33,38±15,16	4,26±0,59	t=1,92; p>0,05
Бластлар, %	-	28,70±2,82	1,06±1,20	t=9,03; p<0,05
Промиеоцитлар, %	-	0,13±0,18	0,06±0,07	t=0,41; p>0,05

Миелоцитлар, %	-	0,30±0,15	0,25±0,21	t=0,19; p>0,05
Метамиелоцитлар, %	-	0,11±0,09	0±0	t=1,22; p>0,05
т/я нейтрофиллар, %	3±2	1,04±0,24	1,25±0,42	t=0,43; p>0,05
с/я нейтрофиллар, %	56±7	12,3±1,54	45,5±3,12	t=9,15; p<0,05
Эозинофиллар, %	2±1	0,85±0,27	1,63±0,28	t=2,03; p<0,05
Базофиллар, %	1	0,04±0,03	0,13±0,07	t=1,12; p>0,05
Моноцитлар, %	4±1	3,39±0,59	6,38±0,85	t=2,87; p<0,05
Лимфоцитлар, %	34±2	50,80±2,57	44,94±2,69	t=1,57; p>0,05
ЭЧТ (мм/с)	6±2	18,10±2,31	6,56±0,49	t=4,85; p<0,05

Диссертациянинг «Болалардаги ўткир лимфобласт лейкозда тромбогеморрагик асоратлар ва гемостаз тизимида ўзгаришларни rs1801133MTGFR(C677T), rs1801394MTRR(A66G), rs1805087MTR(A2756G), rs1799768 PAI-1(-675 5G/4G) полиморф ген-номзодлари билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида ўткир лимфобласт лейкозли болаларда гемостаз тизимининг генетик маркерлари аҳамияти ва унда аниқланган натижаларни назорат гуруҳи билан қиёсий баҳолаш келтирилган. Болалардаги ўткир лейкозларда тромбогеморрагик асоратлар ҳавфи ва гемостаз тизими бузилишларининг асосий маркерлари сифатида MTGFR генинг rs1801133 (C677T), MTRR генининг rs1801394 (A66G), MTR генининг rs1805087 (A2756G) ва PAI-1 генининг rs1799768 (-675 5G/4G) полиморфизмлар танлаб олинди.

Ўткир лимфобласт лейкозли болаларда гемостаз тизими ҳолати клиник кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида геморрагик синдромли (I ва II даражали) ва геморрагик синдромсиз, шунингдек енгил ва ўртача даражали тромбоцитопенияли ҳамда оғир тромбоцитопенияли беморлар қиёсий солиштирма ўрганилган. Натижалар поликимё даволаш ўтказилгунга қадар ГСли беморлар улуши 30 (34,3%), у бўлмаганлар эса – 58 (65,7%), ТП сиз – 5 (6,0%), ўрта ва енгил даражадаги ТП – 28 (31,3%)ни, оғир даражадаги ТПли беморлар эса – 55 (62,7%) ни ташкил этди. Муолажалардан сўнг ГСсиз ва ТПСиз беморлар сони 100% га ошди.

ЎЛЛли болаларда гемостаз тизим ҳолати кўрсаткичларини солиштирма текшириш даволашгача бўлган беморларнинг кичик гуруҳида фаол порциал тромбопластин вақтининг гуруҳлардаги ўртача кўрсаткичи меъёрнинг юқориги чегарасида (35,90±2,19 сония) поликимё терапия ўтказилган кичик

гуруҳда эса $42,20 \pm 2,19$ сонияга ошганлиги аниқланди ва фарқлар ишончли ($p < 0,05$) бўлди. Поликимё муолажалардан олдин ва кейин ўткир лейкозли болаларда қоннинг ивиши ва унга қарши тизимлар ҳолатини ўрганиш натижаси гемостазнинг турли бўғинларида лейкозга қарши ўтказилган даволаш натижасида турли йўналишда ўзгаришлар кузатилишини кўрсатди.

Қоннинг морфологик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ва ГСнинг намоён бўлиши, шунингдек сўнги синдром ва гемостаз тизими кўрсаткичларидаги ўзгаришлар орасидаги сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш учун ўткир лимфобласт лейкозга чалинган бемор болалар иккита – А ва Б кичик гуруҳларга ажратилди. А ($n=31$) кичик гуруҳига ГСли беморлар киритилган бўлиб, тадқиқотларимизда улар яқка ҳолда учровчи ва кўп сонли петихиялар, гематомалар, бурун ва милклардан, инъекция қилинган жойлардан қон кетиш белгилари билан намоён бўлди. Б ($n=57$) кичик гуруҳига эса геморрагик белгилар кузатилмаган беморлар ташкил қилди. А ва Б кичик гуруҳларидаги беморларда гемостаз кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш натижалари ГСнинг клиник белгиларисиз ва ГС мавжуд бўлганда статистик аҳамиятли фарқ фақат эрувчи фибрин мономер комплекси ҳолатларидагина қайд этилди. Шунингдек яна иккита – В ва Г кичик гуруҳларга ажратилди. В ($n=28$) кичик гуруҳига ТПнинг енгил (тромбоцитлар миқдори $60-100 \cdot 10^9/\text{л}$) ва ўртача (тромбоцитлар миқдори $20-50 \cdot 10^9/\text{л}$) бўлган беморлар киритилди. Г ($n=60$) кичик гуруҳини эса ТПнинг оғир даражаси (тромбоцитлар миқдори $20 \cdot 10^9/\text{л}$ дан кам) мавжуд бўлган беморлар ташкил қилдилар. Енгил ва ўрта даражадаги ТП билан оғриган беморлар оғир тромбоцитопения аниқланганлар билан солиштирилганда биринчи гуруҳни ишончли кўпроқ тромбоцитлар миқдорига эгаллиги (В кичик гуруҳи: $91,70 \pm 12,9$; Г кичик гуруҳи: $9,13 \pm 1,87$; $t=6,34$; $p < 0,05$) қайд этилди.

Беморлардаги гемостаз кўрсаткичларини баҳолаш натижалари ТПнинг енгил/ўрта ва унинг оғир даражаси мавжуд бўлганда, Quick бўйича протромбин индексининг ўртача белгиси билан қиёслаш ҳолатларида ҳамда D-димерларнинг синамалари натижалари орасида ҳам ишончли фарқлар қайд этилди: агар енгил/ўрта даражадаги ТПли кичик гуруҳда 100% беморларда синаманинг салбий натижалари аниқланган бўлса, оғир даражадаги ТПли кичик гуруҳ беморларида эса D-димерларнинг йўқлиги фақат 76 (86,11%) нафар беморда кузатилди холос. 12 (13,89%) нафар беморларда эса синама ижобий натижа кўрсатди ($p < 0,05$). Гемостазнинг ўрганилган қолган кўрсаткичларига нисбатан кичик гуруҳлар ўртасидаги фарқ ишончсиз бўлди ($p > 0,05$; 2-жадвал).

Ўткир лимфобласт лейкозларда тромбогеморрагик асоратларни ривожланиши билан MTGFR (rs1801133), MTRR (rs1801394), MTR (rs1805087) и PAI-1 (rs1799768) полиморф номзод-генларнинг алоқасини аниқлаш учун танлаб олинган-назорат ва беморларнинг асосий гуруҳларида генотиплар ҳамда аллелларнинг амалдаги сонини баҳолаш ўтказилди. Унда мустақил маркерлар сифатида кўриб чиқилган полиморфизмларнинг ҳеч бири билан аллел ва генотип шакллари сонини аҳамиятли фарқи аниқланмади.

Клиник белгилар яққол намоён бўлган турли даражадаги оғирлик аниқланган тромбоцитопенияли ўткир лимфолейкозли беморларда гемостаз тизимининг кўрсаткичлари

Гемостаз тизимлар холатининг кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи	В - кичик гуруҳи-енгил ва ўртача даражадаги тромбоцитемия (M±m; n=28)	Г- кичик гуруҳи - оғир даражадаги Тромбоцитемия (M±m; n=60)	Статистик таҳлил кўрсаткичлари Т ва Р
Фаоллаштирилган парциал тромбопластин вақти индекси (сония).	28±2 сек.	36,40±5,21	33,10±2,91	t=0,55; p>0,05
Quick бўйича протромбин индекси (%)	97±4%	89,0±3,40	80,0±2,79	t=2,05; p<0,05
Тромбин вақти (сония)	9±2 сек.	10,6±0,78	11,7±0,48	t=1,20; p>0,05
Фибриноген (%)	3,0±0,2г/л	4,0±0,57	4,0±0,35	t=0; p>0,05
Хагеман-боғланган эуглобулин лизис вақти (дақиқа)	7±1 мин.	11,57±1,41	13,89±0,73	t=1,46; p>0,05
Эрувчан фибрин мономер мажмуаси МКГ/мл	3,38±0,02 МКГ/мл	6,48±0,64	6,50±0,35	t=0,03; p>0,05
D-димерлар –натижа салбий –натижа ижобий	салбий	16(100%)±0	31 (86,11%)±5,76 5 (13,89%)±5,76	t=2,41; p<0,05
С протеиннинг фаоллиги	0,7±0,2н.о.	1,39±0,13	1,20±0,10	t=1,16; p>0,05
III антитромбин фаоллиги	103±10%	81,0±3,75	86,0±3,51	t=0,97; p>0,05

Шундай қилиб, ЎЛЛли бемор ва соғлом болалар гуруҳларида аллел-генотипларнинг учраш сони қиёсий солиштирилганда ўткир лейкозлар ривожланиши билан MTGFR (rs1801133), MTRR (rs1801394), MTR (rs1805087)

ва PAI-1 (rs1799768) алохида олинган генетик полиморфизмларнинг ассоциацияси аниқламади. Бу табиий бўлиб, мазкур генлардаги ўзгаришлар гемобластозларнинг драйвер мутацияси ҳисобланмайди.

Геморрагик синдромли (А) ва улар бўлмаган (Б) гуруҳларда, шунингдек энгил/ўртача тромбоцитопенияли (В) ҳамда оғир даражадаги тромбоцитопенияли ЎЛЛли бемор болаларнинг кичик гуруҳларида ўрганилаётган полиморфизмларнинг икки ва учта шакллари бирга келиш сони ўрганилди.

Геморрагик синдром билан ва ГСсиз ЎЛЛ билан хасталанган болаларда MTGFR(rs1801133) ва MTRR (rs1801394) полиморфизмларининг генотип шакллари бирга келишини тарқалиши, ҳар иккала гуруҳда генотипларнинг аллеллар мутацияси билан бирга келиши амалий жиҳатдан бир хил сонда учради (А кичик гуруҳи: 7 (22,7%), Б кичик гуруҳи: 15 (26,8%); $\chi^2=0.13$; $P=0.72$; OR=1.20; 95% CI - 0.37-4.20; RR=1.1; CI – 0.97-1.42). Бироқ, энгил/ўрта ва оғир даражадаги ТПли беморларнинг кичик гуруҳларида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланди. В кичик гуруҳида: 3 (9,5%), Г кичик гуруҳида: 20 (33,3%); $\chi^2=4.19$; $P=0.04$; OR=4.75; 95% CI - 0.97-23.3; RR=1.4; CI – 1.1-1.8).

ГСсиз ва у аниқланган беморларда MTGFR(rs1801133) ва PAI-1 (rs1799768) генотиплар полиморфизмлари шакллари бирга келиш сони етарли даражада яқин белгиларга эга бўлди (А кичик гуруҳида – 10 (31,8%); Б кичик гуруҳида - 17 (29,3%); $\chi^2=0.04$; $P=0.83$; OR=0.89; 95% CI - 0.29-2.72; RR=0.96; CI – 0.68-1.36). ТПнинг энгил/ўрта даражасидаги беморларнинг кичик гуруҳида MTGFR(rs1801133) ва PAI-1 (rs1799768) мутант генотипларининг бирга келиш сони 4 (14,3%) ни ташкил этди, бу оғир даражадаги 23 (38,1%) ТПли беморларнинг кичик гуруҳи билан солиштирилганда нисбаан 3 марта (OR=3,69) кўп демакдир. Бунда статистик таҳлил аҳамиятлиликнинг чегара даражасини кўрсатди ($\chi^2=3.77$; $P=0.52$; OR=3.69; 95% CI–0.94-14.56; RR=1.38; CI –1.03-1.86). Ўрганилаётган полиморфизмларнинг иккита нохуш генотип шакллари биргаликда тарқалганлигини таҳлил қилиш ЎЛЛли беморларнинг кичик гуруҳларида оғир даражадаги тромбоцитопения MTGFR(rs1801133) ва MTRR(rs1801394), шунингдек MTGFR(rs1801133) ва PAI-1 (rs1799768) полиморфизмлари комбинацияси билан ассоциацияланиши аниқланди, бу эса мазкур генетик маркер ташувчилари билан тромбоцитлар миқдорини критик пасайишини патогенетик алоқаси борлиги тўғрисида гувоҳлик бериши мумкин.

